



**International Conference on Educational Discoveries and Humanities**

**Hosted online from Moscow, Russia**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

16<sup>th</sup> April, 2025

## **ЎЗБЕКИСТОН-ЯПОНИЯ ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ СОХАСИ БЎЙИЧА ХАМКОРЛИК**

Дадаҳанов Шуҳрат Абдумаликович

Наманган Давлат Унверситети Иқтисодиёт факултети

(Phd) мустақил изланувчи

### **Аннотация:**

Маколада бозор талаблари Ўзбекистон ва Япония ижтимоий-иктисодий холатининг ўзига хос хусусиятларини хисобга олган холда **иқтисодиётни яшиллаштириш орқали туризмни соҳаси ривожлантириш имкониятлари** ресурслардан оқилона фойдаланишнинг долзарб муаммолари қўриб чиқилади. **Табиий** ресурслардан фойдаланишда **туризмда** фойдаланишнинг салбий оқибатлари аниқланади. Янги усул ва рақамли технологияларни ишлаб чиқиши асосида керакли самарага эришиш билан боғлик масалалар қўриб чиқилади. Бундан ташқари, яшил иқтисодиётга ўтишда Ўзбекистон ва Япония туризм соҳаларини ривожлантириш имкониятларида **ресурслардан** оқилона фойдаланишнинг асосий тамоийллари таклиф этилаган. Ўзбекистон ва Япония хамкорлигига яшил иқтисодиёт шароитида туризм тизимини модернизация қилиш, **табиий ресурсларни** йўқотишни камайтириш ва унумдорлигини ошириш имконини берувчи каби замонавий рақамли иқтисодий-технологиялар хақида маълумотлар келтирилган.

**Калим сўзлар:** иқтисодиётни яшиллаштириш, туризм иқтисодиётнинг етакчи тармоғи, хамкорлик, барча тармоқлари, табиий ресурсларни асраб-авайлаш, интеграциялашуви, ўрмон ҳудудлари, атроф-мухит, ягона иқлим, яшил макон, туризм соҳаси.

Япония жаҳон мамлакатлари орасида етакчи иғтисодиётга эга, унинг жаҳон ЯИМдаги улуши 6,2 фоизни ташкил қилмоқда. Жаҳон хўжалигига ХХР ва б ошқа ривожланаётган мамлакатлар жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви нинг кучайиши ортидан Япония иқтисодиётининг ўсиш суръатлари тушиб к етмоқда. Ўрта ва кичик бизнес барча соҳаларда самарали фаолият қўрсатиб к елмоқда.



# E CONF SERIES



**International Conference on Educational Discoveries and Humanities**

**Hosted online from Moscow, Russia**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

16<sup>th</sup> April, 2025

Бу рақобатни ривожлантиришда, товарларнинг рақобатбардошлигини оширишда бозорнинг асосий элементи ҳисобланади. Япония компанияларининг 99 фоизи кичик ва ўрта бизнеслардир. Автомобилсозлик, электрон ва электротехника саноатида катта рўл эгаллайди. Япония худудининг 20,08 млн. гектари (мамлакатнинг 70 фоиз ҳудуди) ўрмонли худудлардан иборат. Ўрмонларнинг 54 фоиз табиий ўрмон худудлари ҳисобланади, 41 фоизи инсон қўли билан яратилган.

Туризм. Японияда туризмнинг деярли барча тури яхши ривожланган. Ҳар йили Японияга 30 млн. атрофида хорижий сайёхлар ташриф буюради. Япониянинг энг муҳим туристик ресурси унинг бой ва бетакрор тарихий-маданий мероси ҳисобланади. Мамлакатда туризм иқисодиётнинг етакчи тармоғига айлантирилган. Японияда туристлар учун 1600та музей, 357 та миллий ва префектура парклари, 290 та ҳайвонот боғи ва ботаника боғлари, 76 та аквариум ва „Токио Диснейленди“ қаторида 227 та кўнгилочар мажмуалар фаол ият юритади. Туризм хизматлари ҳажми йилдан-йилга ошмоқда.

Япониялик таниқли актёр ва бошловчи Кейсуке Минамини «Ўзбекистоннинг Япониядаги туризм элчиси» этиб тайинланди ва сертификат топширилди. Бу ҳақда "Дунё" АА хабар берди. Таъкидланишича, Кейсуке Минами жорий йилнинг апрель ойида Япониянинг энг машҳур сайёхлик кўрсатуви – «Асада! Намадесу таби сарада»нинг Ўзбекистонга бағишланган туркум кўрсатувларини тасвирга олинди. У мазкур лойиҳани суратга олиш учун мамлакатимизга амалга оширилган ижодий сафари жуда катта таассурот қолдирганини таъкидлади.

Япон актёри Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Фарғона, Марғилон шаҳарларининг тарихий обидалари, миллий таомлари, меҳмондўст халқи ва ушбу худудларда сайёҳлар учун яратилган қулайликларни жуда юқори баҳолади. Ташриф якунлари бўйича тайёрланган Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятига бағишланган 5 қисмли кўрсатув япон томошабинлари орасида ҳам жуда катта қизиқишга сабаб бўлди. Кейсуке Минами билан ўтказилган учрашув давомида элчихона билан ҳамкорликда Японияда мамлакатимизнинг туризм салоҳияти ва Ўзбекистон туризм брендини кенг тарғиб қилиш,



# E CONF SERIES



**International Conference on Educational Discoveries and Humanities**

**Hosted online from Moscow, Russia**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

16<sup>th</sup> April, 2025

сайёхлик лойиҳаларини амалга ошириш, етакчи ОАВда юртимиз салоҳияти ҳақида кўрсатувлар тайёрлаш ва мақолалар чоп этиш бўйича келишиб олинди. «Ўзбекистоннинг Япониядаги туризм элчиси» этиб тайинланганимдан жуда баҳтиёрман, – деди актёр Минами Кейсуке. – Менга билдирилган ишонч жуда катта масъулият ҳамдир. Ҳозирги кунда Япониянинг машҳур сайёхлик кўрсатуви «Таби сарада»нинг бошловчиси сифатида ҳам фаолият олиб бормоқдаман. Ушбу кўрсатувнинг Ўзбекистонга бағишланган туркум сонларини суратга олиш мақсадида жорий йилнинг апрель ойидаги уч ҳафта мобайнида Ўзбекистонда бўлдим. Тащриф давомида ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва очик кўнгиллигига қойил қолдим. Шунингдек, Ўзбекистоннинг Самарқанд ва Бухоро каби шаҳарларидағи қадимий обидаларнинг гўзаллиги мени ўзига мафтун этди. Ўзбек миллий таомлари, жумладан, ош менга жуда ёқди. Келгусида Ўзбекистон элчихонаси билан биргаликда Ўзбекистоннинг сайёхлик салоҳиятини кенг тарғиб қилиш бўйича ишларни янада жадаллаштирамиз». Кейсуке Минами 1985 йилда Токио шаҳрида туғилган. Япониянинг машҳур Васеда университети битиравчisi. Бир қанча япон кино ва сериалларида бош ролларни ижро этган. Япониянинг энг машҳур сайёхлик кўрсатуви – «Асада! Намадесу таби сарада»нинг асосий бошловчиларидан бири сифатида фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, у «Жаҳон тарихий мероси» мастер сертификатига эга бўлиб, «Жаҳон мероси академияси» лектори сифатида ишлайди.

Япония сайёхлик компаниялари Ўзбекистонга сайёҳлар оқимини оширмоқчи. Туризм қўмитаси раиси Умид Шадиев Токио шаҳрида Япониянинг “H.I.S. Co. Ltd” сайёхлик компанияси президенти Мотояши Яда билан учрашди. М. Яда, япон туризм сектори япон саёҳатчиларининг мамлакатимизни зиёрат қилишга бўлган қизиқишининг ортишини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонга сайёҳлар оқимини оширишда манфаатдор эканлигини, бунга Ўзбекистон туризм салоҳиятини тарғиб қилиш бўйича олиб борилаётган фаол PR-кампания ёрдам берадиганлигини таъкидлаб ўтди. Учрашувда Ўзбекистонда саёҳат қилиш учун қулай шарт-шароитларни яхшилаш, мамлакатимизга сайёҳлар оқимини кўпайтириш имкониятлари ва Ўзбекистоннинг Японияда тарғиб қилиш бўйича қўшма тадбирлар ўтказиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.



# E CONF SERIES



**International Conference on Educational Discoveries and Humanities**

**Hosted online from Moscow, Russia**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

16<sup>th</sup> April, 2025

Наманган вилоятининг Поп туманида жойлашган Чодак қишлоғига “Туризм қишлоғи” мақоми берилди. Чодакда бўлиб ўтган тадбирда меҳмонлар ҳудудда фаолият юритаётган бир неча дам олиш масканлари, меҳмон уйларини кўздан кечирди. Ҳозирги кунда туристик салоҳияти юқори бўлган Чодакка туризм қишлоғи мақомини бериш бўйича олиб борилаётган амалий ишлар натижасида ҳозирги кунда 300 оиласвий меҳмон уйи, тўртта дам олиш маскани, учта болалар оромгоҳи, иккита хостел, битта кемпинг, 30 та гастрономик туризм обьекти, узунлиги 300 метр бўлган тўртта осма кўприк ва узунлиги 50 метр бўлган шишали осма кўприк, сунъий шаршара, ўртача узунлиги 400 метр бўлган осма дор йўлидан иборат экстремал ҳамда юздан ортиқ экотуризм обьектлари фаолият олиб бормоқда. Шу билан бирга Президентимизнинг 2021 йил февраль ойида Наманган вилоятига ташрифи чоғида белгилаган топшириклари асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги Чодак қишлоғини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирларига қаратилган қарорига асосан мазкур гўшада 257 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Натижада 1500 дан ортиқ маҳаллий аҳоли иш билан таъминланган. Халқаро ва ички туризм орқали ахолини камбағалликдан чиқаришни янги манбалар кўпайади.

## **Адабиётлар:**

1. <https://yuz.uz/news/ozbekiston-turizm-brendining-yaponiyadagi-elchisi-keysuke-minami-yangi-sayyoqlik-loyihalarini-yolga-qoydi>
- 2 <https://yuz.uz/news/ozbekistonning-yaponiyadagi-xalqaro-turistik-korgazmalarda-ishtiroki-masalalari-muhokama-etildi>
- 3 <https://yuz.uz/news/yaponianing-eng-yirik-turizm-assotsiatsiyasi-ozbekistonga-yapon-sayyoqlar-guruqlarini-yuborishga-qiziqish-bildiryapti>
- 4 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги “Чодак қишлоғини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғриси” даги қарори <https://yuz.uz/news/chodak-qishlogiga-turizm-qishlogi-maqomi-berildi>